## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

### 337 Ушланган транспорт воситалари ҳисоби шаклини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 8 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2252*

*(2011 йил 18 августдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 149-сон «Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 20-21-сон, 207-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Ушланган транспорт воситалари ҳисоби шакли иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Вазир** **Б. МАТЛЮБОВ**

Тошкент ш.,
2011 йил 6 июль,
99-сон



www.lex.uz

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2011 йил 6 июлдаги
99-сон буйруғига
ИЛОВА

## Ушланган транспорт воситалари ҳисоби ШАКЛИ

| Т/р | Транспорт воситаси русуми | Давлат рақам белгиси | Ҳайдовчи (транспорт воситаси эгаси)нинг Ф.И.О. | Транспорт воситаси ким томонидан олиб келинган | | Олиб келиш сабаби | | | Олиб келинган санаси ва вақти | Олиб чиқиб кетилган санаси ва вақти | Ушланган транспорт воситаларини сақлаганлиги ва мажбурий олиб келинганлиги учун тўлов миқдори (сўм) | Олиб чиқиб кетишга рухсат берган ваколатли орган ходимининг Ф.И.О., унвони, лавозими, рухсатнома № | Транспорт воситасини олиб чиқиб кетаётган ҳайдовчи (эгаси)нинг имзоси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | ваколатли орган ходими (лавозими, Ф.И.О.) | транспорт воситаларини сақлаш бўйича хизмат кўрсатувчи юридик шахс | йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги учун | бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этганлиги учун | тергов, суд, суриштирув органларининг қарорига асосан | | | | | |
| 1. | | | | | | | | | | | | | |
| 2. | | | | | | | | | | | | | |

Изоҳ: мазкур китоб туман-шаҳар ИИБ котибиятида рўйхатдан ўтказилган ва ип ўтказилиб тикилган бўлиши лозим. Ҳар ойнинг якуни бўйича маълумотлар жамланиб, туман-шаҳар ИИБ ЙҲХБ(Г)ларига тақдим этиб борилади. Ҳисоб тўғри юритилиши учун транспорт воситаларини сақлаш бўйича хизмат кўрсатувчи юридик шахслар жавобгар бўлади.

www.lex.uz